



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2007 йил 28 июль, № 147 (4300)

Шанба

Қашқадарё:

ЮРТИГА ФИДОЙИ ЭЛ

ВОДИЙЛАРНИ



яёв кезганда...

Қашқадарё бағри кенг воҳа. Одамлари меҳнаткаш, яхшиликка эш, сахий, бир-бирига меҳрибон, юртига фидойи. Тоғ десанг тоғи, чўл десанг чўли бор. Тупроғи бамисоли тилло, тоғларию ер ости фойдали захираларга бой гавҳар гўша. Барча ҳудудларида ҳаёт қайноқ. Одамлар тинч-осойишта ҳаётлари учун шукрона айтиб, юрт ободлиги, хонадонининг фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишаёпти.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!
Сиз ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингизда жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган фуқаролар учун катта имкониятлар яратган "Махсус Олимпиада" ҳаракатининг муваффақиятли ривожига билан табриклашга ижозат этгайсиз. Бугунги кунда дунёнинг 162 мамлакатини қамраб олган "Махсус Олимпиада" жорий йил охиригача спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ спортчини, жумладан, Ўзбекистондан 10 минг нафардан ортиқ спортчини жалб қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Ушбу хайрли саъй-ҳаракатларнинг ажралмас қисми бўлган "Ўзбекистон Махсус Олимпиада"си 2007 йил 11-18 май кунлари Бухорода хорижий делегациялар иштирокида ўтказилган "Иккинчи миллий махсус очик олимпиада ўйинлари" ташкилотчиси бўлди. Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Туркия ва Туркменистоннинг "Махсус Олимпиада"сидан 350 нафардан ортиқ спортчи ушбу спорт мусобақаларида иштирок этди. Ташкилотчилар ғайрати ва ўйинларнинг юқори савияда ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. Мазкур тадбир Ўзбекистонда эълон қилинган Ижтимоий ҳимоя йилининг кенг кўлами ҳамда эришавтган муваффақиятларини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистон "Махсус Олимпиада" ҳаракати Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринни эгаллаганини ва, шубҳа йўқки, жисмоний ҳамда интеллектуал қобилияти чекланган одамлар учун имконият беришда катта ютуқларга эришганини қайд этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган одамларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз ва уларни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Майкл СМИТ,
«Махсус Олимпиада ўйинлари» Евроосиё бўлимининг бошқарувчи директори.

Бугунги кунда галлани ўриб-йиғиб олиб, хирмон чўғидан кўнгли тўлиб турган галлакор ҳам, боғлардан ширин-шаркар мева териб, эл дастурхонига қўяётган боғбон ҳам, шилғил қўсақ боғлаётган ғўзасини меҳр билан паравари қилаётган пахтакор ҳам янгича фикрлайдиган бўлиб қолди. Ғурур билан «менинг ерим», «менинг боғим», «менинг пахта» дейди. Бу сўзларнинг замирида эса «менинг элим», «менинг

юртим», деган энг улуғ, энг азиз ҳикмат борлигини англаш қийин эмас. «Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга экани, унинг бетакор ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида гапиришимиз бугун албатта, ўринлидир, — деган эди Юртбошимиз. — Лекин мендан бу юртининг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганининг назари тушган бу юртининг асосий бой-

лиги мана шу заминда яшаётган бағри кенг, мард ва ориятли, қўп-қўп қийинчилик ва синовларда тоблнган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлар эдим».

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида, бепойён далаларида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги яратувчилик ишлари Юртбошимизнинг меҳри тушган мана шу бунёдкор инсонларнинг меҳнати самарасидир. Вилоятдаги барча ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, фермер ҳўжаликларига айлантирилганлиги туфайли деҳқоннинг дунёқароши, ерга муносабати ўзгарди. Қишлоқда ерни эъозлайдиган, суви қадрийдиган чинакам мулкдорлар пайдо бўлди. Бу йил вилоятда тайёрланган 357 минг тонна галланинг ҳаммаси фермерларнинг далаларида етиштирилди. Бундан ҳам

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧЛИ ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Ўзбекистон билан Япония ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланганига беш йил тўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. Аслида, Ўзбекистон билан Япониянинг унганча ҳам ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар деб ҳисоблаш мумкин эди. Токио саммитида бундай муносабатлар ҳужжат асосида расмийлаштирилди.

Барпо этиш ташаббуслари Токиода катта эътибор берилди. Шу тариқа Япония ташқи сийосатида "Ипак йўли дипломатияси" ва "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми пайдо бўлди. 2002 йили Токиода ташрифининг икки муҳим жўзатиға эътибор қаратиш жоиз. Аввало, маҳаллий журналистлар Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳўжат имзоланиши алоҳида таъкидлашди. Бу Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Яъни, стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдор эканини, икки томонда ҳам алоқаларини шундай юксак даражага кўтариш учун иштирокчи қилини эканини далолат эди.

Иккинчидан, Президент Ислам Каримов Император Акихито билан учрашди. Яна маҳаллий журналистларнинг гапини келтирамиз. Таомилга биноан, Император бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга келишидан, ташрифи қандай мақомада ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилинган. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислам Каримов бу савфар ҳам Император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап: Япония императори камдан-кам ҳўжраларда меҳмонларни шахсан кутиб олади. Ўзбекистон раҳбарига келганда яна истисно бўлди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахсининг Ўзбекистон раҳбарига гоёт самимий муносабати — музокарадаги оқчилик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи ҳўрмат қилаётган, фахрланаётган кишининг нуқтани назари

(Давоми 2-бетда).

Натижалар таҳлил қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 12 февралда бўлиб ўтган 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якуллари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатни модернизация қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Жойларда ўтаётган фаоллар йиғилишларида бу борада ўтган йил давомида бажарилган ишлар атрофида муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинаётди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон билан Япониянинг халқаро сийосат масалаларида қарашлари уйғун. Икки мамлакат ҳам Африқонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Ўзбекистон мушуклигининг илк йилларидан дунё эътиборини афғон муносабати қаратиб келди. Япония эса Афғонистонни тиклаш масалаларида бағишлаб ўтказилган илк халқаро аниқламанинг ташаббуслари билан ҳамкорлик қилган. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлайди. Япония эса Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳўдуд яратиб ва Марказий Осиё умумий бозорини

барпо этиш ташаббуслари Токиода катта эътибор берилди. Шу тариқа Япония ташқи сийосатида "Ипак йўли дипломатияси" ва "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми пайдо бўлди. 2002 йили Токиода ташрифининг икки муҳим жўзатиға эътибор қаратиш жоиз. Аввало, маҳаллий журналистлар Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳўжат имзоланиши алоҳида таъкидлашди. Бу Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Яъни, стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдор эканини, икки томонда ҳам алоқаларини шундай юксак даражага кўтариш учун иштирокчи қилини эканини далолат эди.

Андижон. Вилоят ҳўқими А. Усмонов бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида бир қатор соҳаларда сезиларли натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, ялли ҳўдудий маҳсулот ҳажми 12 фоизга ошган. Вилоят бўйича 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва бу, ўз навбатида, 21 фоиз ўсиши таъминланган. Саудо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланган. Вилоятда 205 минг квадрат метр турар жой бинолари, 6 та қишлоқ врачлик пунктлари, 2 та коллеж барпо этилган, 17 та умумтаълим мактаблари капитал таъмирланган, 17 километр газ қувурлари ва 52 километр водопровод қувурлари ётқизилган. Давлатга галла топшириш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилган. Ташқи товар айланмаси 772 миллион АҚШ доллари бўлиб, бунда экспорт улуши 425 миллион

БИР РАҚАМ ШАРХИ
Шу йилнинг ўтган олти ойида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми **40,2** фоизга ўсди.



ҚУТЛУҒ ТҮЙГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Марғилонда шаҳарнинг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бир қатор замонавий ва тарихий иншоотларни фойдаланишга топшириш тадбирлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз вазирлиги ва идоралари, ҳамма ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этган мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шаҳарда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.



Марғилонда бунёд этилган «Ёшлик» ёпиқ сув спорт майдони 600 метр кўб сифига эга. Унда бир пайтнинг ўзига 180 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланиши мумкин. Сув ҳавзаси суви тозалаш ва иситишга мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, бинода гимнастика ва ўқув заллари, тиббиёт хонаси, лаборатория ва ювенил хоналари мавжуд.

Президентимиз Ислам Каримов ўтган йили сентябр ойида Марғилонга ташрифи чоғида қишлоқ ортиқ сийлага мўлжалланган шиман уйлари қаратилган шарт-шароитлар билан ташкир экан, кишиларнинг руҳини кўтарганидан, уларнинг эртанги кунга ишончини муштаҳам қилганидан ҳамда бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратган эди.

Утган вақт мавқоинида шаҳарда яна бир қанча муштаҳам бинолар бунёд этилди. Улардан бири — янги «Адрас» меҳмонхонасида истикомат қўлувчилар учун барча қўлайликлар мўъайён этилган.

2006 йили шаҳримиздаги тиббиёт коллежини имитиёвли диплом билан тугатиб, ҳозир шу ердаги марказий шифохонада ишлаётган, — дейди Нодирбек Аҳмадхонов. — Ҳар қуни эрталаб ишга бораётганимизда шаҳримизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, хайратга тушаман. Марғилон қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Икки минг ёшли она шаҳримиз кўз ўнгимизда яшариб-яшаб бормоқда.

Ғуллом МИРЗО,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Натижалар таҳлил қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жалақудук туманидаги "СПЗ Беаринг", Шахрихон туманидаги "Ривож-Тяньжин", Марҳамат туманидаги "Марҳамат ЭТЗ" қўшма корхоналари маҳаллийлаштириш дастурини тўла амалга оширилмади.

Ийгилишда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда автомобиль йўллари қурилиши ва таъмирланишига оид ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Мухокама қилинган масалалар бўйича шаҳар ва туман, бошқарма ва уюшма, корхона ва ташкилот раҳбарлари олдида аниқ вазифалар кўйилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди. (У.А.)

Шунингдек, Тошкент, Фарғона, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳам ярим йил якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ёшларга аталган мажмуалар

Избоскан туманининг Майғир қишлоғида қад рўстлаган уч қаватли маиший хизмат коллежи биносини тиклашга 1405 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

3 та умумтаълим мактаби, 2 та маиший хизмат шохбаси, буюм бозори, Пойтўғ шаҳарчасидаги автошохбетага эса сўнгги пардохлаш ишлари олиб борилмоқда.

"Тех Марс" компанияси 1,2 миллион АКШ доллари миқдорига сармоя ажратди. "Тагус-текстиль" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасини барпо этиш бўйича 70 фоз қурилиш ишлари бажарилиди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатаси ҳамда "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган "Келажақ овози" республика ёшлари танлови низомига бир қанча ўзгаришлари ва янгиликлар киритилди.

Танлов низомидаги янгиликлар

Жорий йилда танлов қолиблари ўз йўналишлари бўйича давлат гранти асосида олий ўқув юртига ўқишга кириш имкониятига эга бўлишиди.

Менгир ерим манша шу чўқуннинг устида жойлашган, — дейди Эркин ака чўқур сойликнинг нариёғидаги тепалиқни кўрсатиб. — Ушунча бир оз яланглик бор. Сув чиқариб, бог қилиб. Олманнинг совуқча чидамли "Голден" навидан экдим.

О. ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Фермер бозор қуряпти

Гурлан туманидаги "Полвонобод" фермер ҳўжалиги раҳбари Жалолиддин Собиров туман марказида замонавий бозор қуришни бошлаб юборди.

Бунинг учун у банкдан 180 млн. сўм кредит олди. Бозор қуриш учун 3,8 гектар майдон ажратилди. Ёзги савдо расталари 1000, киши павильонлари эса 110 ўрндан иборат бўладиган объектда ҳозирча қурувчилар томонидан 600 млн. сўмлик иш бажарилиди.

ўринли ёзги чойхона, 600 ўринли тўйхона, 200 ўринли банкети зали янги бозорга қўриб бағишлайди. Бу ерда минибанк, тиббий хизмат пункти, мехмонхона фаолияти йўлга қўйилди. Фермер замонавий бозорни мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни режалаштирган.

О. РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ватан муқаддас

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Ватан муқаддас" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланган 300 дан ортиқ болалар хордиқ чиқараётган ушбу масканга шу кунни ажойиб фойда инди. Анжуманда мамлакатимизда ёш авлодга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳусусида сўз борди.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Ўзбекистон истиқлолга эришган или йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг қўлмали ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

А. САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Бадий академияси атоқли қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевга Тошкент шаҳрида ўрнатилган хайкал лойиҳасини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси-40. Телефон: 153-34-07.



Қашқадарё:

Юртига фидойи эл

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Биз фермерлиқни бошлаганимизда ҳозирги имкониятлар йўқ эди, — дейди Туроб ака. — Ширкат ҳўжалиги экин экмайдиган ёки ишлатилвериб яроқсиз ҳўлга келган ерлар фермерлар учун ажратилар эди. Мен дастлабки майдонни экишга тайёрлаш учун ой бўльдэзер ишлатиб, ер текислаганман.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Ха, Туроб ака бошлиқ фермер ҳўжалигида оданининг баҳри-дилини очадиган ишлар кўп. Галла ўриб-лиғиб олинди. Утган йили экин олдида тузилган шартнома мажбурияти бажарилиди. Ҳўзининг ривож яқини. Шоналар гулга, гул қўсақка айланаяпти. Бу қўсақдаги катта хирмондан нишон. Дала бошидаги шийпоннинг олдидадан бир арик сув оқиб ўтапти, деҳқонлар дала оладиган сулага толлар қўюқ соя соли турибди.

да, Чунгуракда, Қўлда етиштирилганидан қатби назар, Гилонники, деб сотилади. Бу аслида тоғники, дегани бўлса керак. Дарҳақиқат, тоғлиқлар ерининг қадрини яқин билишди. Баланд қўялар орасидаги хар бир қарич ер қадрили. Баҳор кеч қелади, қиш тез тушади. Экин мастулмайнинг охирида бошланади. Дастлабки қор тушмасдан картошкани йиғиштириб олиш керак. Тоғ халқи шунга ўрганган. Шу тўғайли рўзгор баёт-шаёт. Сайедлик кекса ўқитувчи Яқинбой Меилёвнинг айтишича, йўл узок ва машаққатли бўлишига қарамастан ёшларнинг катта шаҳарларда ўқишга қизиқиши зўр. Битирувчиларнинг деярли ҳаммаси Тошкент, Қарши ва ҳатто, Европа мамлакатлари шаҳарларида ўқишга кетишди.

Мамлакатимизда амалга оширилётган мислосиз бунёдкорлик ишларининг мундарижасига назар ташлар эканмиз, Хисоракка раван то йўли қуриладиган кун ҳам узок эмаслигига амин бўламиз. Ахир, Деҳқонбод тоғларига поезди йўли борди-ку. Унча узок эмас. Йитирма йил олдин Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган темир йўли ҳўқдаде гапирсангиз, ким ишонарди? Поезднинг Деҳқонбоднинг Чак-чак домини орқали Сурхондарёга боришини ким тасаввур қила оларди? Бугун кўз ўнгимизда афсонавий лойиҳа амалга ошиб турибди. Сўнги километрларга пўлат из ётқизилмоқда.

Темир йўл деҳқонбодликларнинг ҳаётини, турмуш тарзини ўзгариштириб юбормоқда. Гап фақат тоғлиқларнинг Қаршига, Тошкентга бориш учун поездага ўз вокзалдан чиқишида эмас. Ўзга-ўзга деҳқонбодликлардан янги касб ёғлари — темирйўллар етишиб чиқмоқда. Ҳозир темир йўл қурилишида ишлайтган ёшлар эртага туман ҳўдудидаводи қурилиши бошланапти. Ҳаммаси халқимизнинг фаровонлиги учун. Тоғларимизнинг бағри табиий бойлиқларга тўлиб ётибди. Хали бошқа қоллар ҳок очилиди.

Дарвоқе, ер ости бойлиқлари ҳўқда. Мамлакатимизда қазиб олинётган нефть ва газнинг асосий қисми Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўри келади. Муборак, Ҳўзор, Минришқор туманларидаги конларнинг маҳсулоти республика аҳолиси ва қорхоналарнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, қайта ишлаш қорхоналари учун муҳим хом ашё вазифасини ҳам ўтамоқда. Шўртан газ-кимё мажмуида полиметилен ишлаб чиқарилапти.

«Шўртаннефтьга» унитар шўба қорхонаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводида олтингургур ажратиб олиномоқда. Қўдумалоқ компрессор станциясида эса газ таркибидаги конденсат ажратилиб, нефтини қайта иш-

лаш қорхонасига ҳўнатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг нефть ва газ бўлоғи мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги учун ҳизмат қилимоқда. Айна вақтда «Муборакнефтьга», «Шўртаннефтьга» унитар шўба қорхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуининг иктисодий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Вилоятдаги улкан ободончилик ишларини амалга ошириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурида қўзда тутилган тадбирларни бажаришда ҳам уларнинг улуши салмоқли бўлмоқда. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан газчилик ҳўмийлигида қилинган кенг миқёсда қурилиш, ободончилик ишларини шараҳликлар ҳамма миннатдорчилик билан эслашади. Чироқчидаги марказий стадионни таъмирлаш дэвсизими, футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий табақасида ўйнаётган «Насаф», «Машъал», «Шўртан» жамоаларини молиявий қўллаб-қувватлаш дэвсизими, ҳаммаси уларнинг иши.

«Ўзликчи англаш маркази» ташкил этилган. Бу ерда талаба ва ўқувчилар учун мустақиллик дарслари ўқатилапти. Бунинг рамзий маъноси бор. Эеро, мустақиллик йилларида биз эришяётган барча натижаларимиз замбирда Ўзликчи англашдек буюк буюрдек кўч ётибди. Ўзликчи мизони тобора тўлароқ ангаганимиз сайин ютуқларимизнинг салмоғи ҳам ошиб бораверди.

Табиийки, бу каби ҳайратомуз ўзгаришлар мустақиллигимиз шарафати. Бу эа вақтида келажакни ўйлаб, халқимиз тақдирини шу ўнгидан ўтказиб, гоғ мураккаб шарафатда Ватанимизнинг давлат мустақиллиги тўғрисида энг тўғри қарорини қабул қилган Президентимиз ташаббусининг мевасидир. Шунинг учун озодлик ҳудди Юртовимиз каби ҳаммамизнинг, барчамизнинг кўзи қароғимиздир.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, Ҳўрақат САНАЕВ, "Халқ сўзи" мухбирилари.

ИШОНЧЛИ ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу боис Ўзбекистон ва Япония бир-бири билан ҳамкорлиқни қадрлайди. Яъни, мамлакатларимизни стратегик ҳамкор деганда бир ёқлама эмас, икки томонлама манфаъадорлик, ҳамжиҳатлик назарда тутилди. Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Ўзбекистон истиқлолга эришган или йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг қўлмали ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Иқтисодий маданий ҳамкорлик дэвсизими 2004 йилнинг мартида Япониянинг етакчи олий ўқув юртиларидан бири саналган Сока университетига буюк шон ва мутафаккир бобомиз Алишёр Навоийга хайкал ўрнатилгани ва хар йили 9 февраль кўни навоийхолик кечаси ўтказилиб, бобоконанимизнинг хайкали пойғига гуллар қўйилишини алоҳида таъкидламоқ керак. Утган йили Японияда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатасининг ваколатхонаси очилгани ҳам ёрқин мисолдир.

икки юзга яқин талаба ўқишга юборилган. Қўнчиқар юрда малака оширган мутахассисларимиз сони эса мингга яқинлашди. Айнакиса, Васеда, Нагоя университетлари билан ҳамкорлик яқин йўлга қўйилган.

Академик доиралар археологик тадқиқотлар ўтказишда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Давварзентепани тадқиқ қилиш бўйича тузилган Ўзбекистон — Япония қўшма экспедицияси катта муваффақиятларга эришди. Бу ердаги қадимий Будда ибодатхонасида қиққан II-III асрларга оид топилмалар Японияда ўтказилган махсус кўргазмада катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентда Япония маданият маркази, "Ўзбекистон — Япония" дўстлик ҳамияти, Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Юрдошларимиз уларда тил ўрганиб, компьютер ва бизнесга оид билиминини тақомиллаштирмоқда.

Ха, Ўзбекистон — Япония муносабатлари стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаъадорлик келгусида ҳамкорлигининг янги марраларини эгаллашга кенг йўл очиб шўбхасиз.

Анвар БОБОЕВ, Ўза шарҳловчиси.

МОСКВАДА ЎЗБЕК РАССОМИ АСАРАНИ КўРГАЗМАСИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатаси миллий маданиятимиз, санъатимизнинг барча йўналишларида эришилган ютуқларини хориқда кенг тарғиб эаётган жамоат ташкилотларидан. Жамағат томонидан Япония, Хитой, Франция, Миср Араб Республикаси, Россия каби давлатларда ташкил этилган турли кўргазмалар, концертлар, ранг-баранг иқодий лойиҳалар бунинг қўни иқотидир.

Жамағат матабуот хизматида Ўза мўхбирига маълум қилишларича, ушбу жамоат ташкилоти ташаббус билан жорий йилнинг 24 июлида Россия пойтахти Москва шаҳридаги машҳур асарлар, ноёб осори атиқалар кўргазмаларини ўтказишга иқтисодсизлан "Советком" замонавий ташвир санъат галереясида танили иқодкор. Ўзбекистон халқ рассоми Амал Нур иқодига бағишланган шайхон кўргазма олинган.

Н. УСМОНОВА, Ўза мўхбири.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ва унинг худудий филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объектлари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника хижатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент судининг 2007 йил 14 мартдаги 1-136/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХНинг автомашиналар сақлаш масканида сақланаётган «MITSUBISHI Pajero» русумли, давлат рақами Х 393 MZM бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 28 август ва 4, 11, 18, 25 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартибда, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

2. Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 12 январдаги 11-0716/163-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор ҚФЙ манзилида жойлашган, майдони 600,0 кв.м. бўлган таъмирталаб қозонхона бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 36 897 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2007 йил 25 майдаги 1-2310-2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 408,2 кв.м. бўлган меҳбур дўкони.
Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 21, 28 август ва 4, 11, 18 сентябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартибда, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиали томонидан қуйидаги кўчмас мулк объектлари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 16 октябрдаги 22.06.03-3621-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, марказий П.Маҳмуд кўчасида жойлашган, 1967 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони 860,0 кв.м. бўлган уч қаватли ётоқхона бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 216 363 200 сўм.
Хоразм вилояти, Хива шаҳри, «Обводная» кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 982,16 кв.м. бўлган (192 тул турли дараклардан иборат боғи мавжуд), маъмурий бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 109 598 764 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 16, 21, 23, 28 ва 30 август кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

2. Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 13 февралдаги 22.05.02-4995-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хумо қуши» хусусий фирмасига қарашли, Урганч тумани Оқунбобоев фермерлар уюшмасида жойлашган, таъмирталаб дўкон биноси.
Бошланғич баҳоси — 60 741 789 сўм.

3. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 10 майдаги 22.05.02-659-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Урганч такси хизмати» МЧЖга қарашли, Урганч шаҳри, Замаҳшарий кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган маъмурий бино, автотазмирлаш устaxonаси, жорий таъмирлаш хонаси, қозонхона, назорат пункти, омбор, оператор хонаси, ёрдамчи хона ва дўкондан иборат бино ва иншоотлардан мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 361 957 750 сўм.
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 21, 23, 28, 30 август кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 21 июлдаги 58-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартибда, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик филиалидаги МФО 00580, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзиллар:

Республика Кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: 228-79-52.
РКМБ Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй.
Мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими.
Телефонлар: 226-32-63, 226-43-64.

Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк объекти аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

Тошкент вилояти Янгийўл туман суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва «Ташкентская правда» газетасининг 2007 йил 13 июндаги 48-сонли, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 9 июндаги 47-сонли ва «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 16 июндаги 117-сонидан чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, Янгийўл тумани, «У.Мусаев» ҚФЙ худудида жойлашган гишт ишлаб чиқариш кичик заводи, «Т-130» русумли бўлағозер ва темир-тераслар (метаталлолом).
Савдодан олинишига асос: Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 17 июндаги 990-сонли хати.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

МУЗЕЙДА ЯНГИ КЎРГАЗМА

Зомин туман ўлкашунослик музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмадан жазззахлик рассомларнинг она-Ватанга муҳаббат, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, миллий қадриятларимизга эҳтиром ифода этилган санъат асарлари жой олган.

Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Ботир Зокиржоновнинг «Хўжаймушкент», «Сардоба» асарларида тарихий масканлар таровати, «Оналик», «Менинг муҳаббатим» портретларида эса замондошларимиз кийфаси акс эттирилган. Мойбўёқда ишланган асарлар томошабинлар эътиборини тортмоқда.

Музейимиздаги кўргазма зали доим санъат муҳлисари билан гавжум, — дейди музей ходими Ойгул Мусулмонова. — Жазззахлик ижодкорлар асарлари намойиш этилаётган ушбу кўргазма кенг жамоатчиликда, айниқса, кўчма-ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
УзА мухбири.

Қонун ва тижорат

Мамлакатимизнинг Тожикистон Республикаси билан чегарадош постини ярим тунда «сайр» қилиб юрган Бешарқ туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Н. Имомназаров чегарачиларда шубҳа уйғотди.

СОХТА ТАДБИРКОРЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Шубҳа ўринсиз эмас экан. У эшак аравада 1,5 литр ҳажмли 560 та өлим идишларда спирт маҳсулотлари олиб кетатган экан. Мактаб ўқувчисининг бундай ишга қўл уриши, албатта, унинг ортида ўз нафсини уйлаган кимсалар турганлигидан далолат беради.

Яқинда Кўҳон шаҳар солиқ идораси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилган қатор текширишлар натижасида аниқланган бир неча ҳолатлар шундай дейишимизга асос бўла олади. Жумладан, шаҳардаги 41-хонадон кўздан кечирилганда, ҳуфиёна ҳеддан 260 литр ароқ ҳидини берувчи рангсиз суюқлик топилди. Шу билан бир қаторда, 2 минг донга акция маркаси, мингдан зиёд металл қопқоқлар ҳамда қадоклашга мўлжалланган асбоб-ускуналар борлиги ошкор бўлди. Шу каби ҳолатлар солиқчилар томонидан аниқланиб, ноқонуний фаолият юритаётган, ўз навабтида, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган сохта тадбиркорлар пайи қирқилаётди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Абонентлар 2 миллиондан ошди

Мамлакатимиздаги йирик уяли алоқа хизматларидан бири «МТС-Ўзбекистон» абонентлари сони икки миллиондан ошди.

Давр

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тарқатган маълумотга қўра, мамлакатимизда уяли алоқа тизимидан фойдаланувчиларнинг салкам 50 фоизини «МТС-Ўзбекистон» компанияси абонентлари ташкил этади. Агентлик маълумотларида келтирилишича, 2007 йилнинг 1 июль кўрсаткичига қадар республикада мобил алоқа тизимидан фойдаланувчилар сони 3,7 миллион кишига етди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ОАЖ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- БОҒБОН;
ЧИМ ЎРИШ ОПЕРАТОРИ;
СУВ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЧИЛАНГАР-СОЗЛОВЧИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй.
Мўлжал — метронинг «Бодомзор» бекати.
Маълумот учун телефон: 138-56-09.

Яхши хабарлар

Таътил оромгоҳларида ўтмоқда

Бойвут туманидаги 69-мактаб-интернат худудида жойлашган «Шодлик» оромгоҳида, мана икки ойдики, болаларнинг қувноқ қулгулари янграмоқда.

Улар учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, 6 та тўғарақ мунтазам ишлаб турибди. Қўчма кўчиқорқор театрининг спектакллари кичкинтойларга ҳузур бағиш-ламоқда.

— Оромгоҳимизда асосан кам таъминланган оила фарзандлари дам олишади, — дейди бош тарбиячи З.Усмонова. — Июнь ойида 100 нафар ўғил-қизларимиз хордиқ чиқаришган бўлса, ҳозирда яна 120 нафар кичкинтой оромгоҳ бағрида ёни ҳушундлик билан ўтказмоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Она дийр мадҳи дилларда

Намангандаги Алишер Навоий номили вилоят мусикали драма ва комедия театрида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» деб номланган кўшиқ танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов натижасига қўра, Уйчи туманилик Ш.Жонбеков ва Косонсой туманининг «Хушнаво» ашула ва рақс дастаси хонандаси Г.Изатуллаевалар ғолиб деб топилди.

Ш. ОРТИҚОВ.

Table with columns: 2007 йил 29 август, ЭЪЛОН!, СОАТ 10.00 да. Lists various bus routes and destinations like Paxtakor, Beruniy, etc.

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.


Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташини амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмонов Юсупов кўчаси, 3-уй.
Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 202100000074500512 махсус х/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТЎ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 24 августигача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2007 йил 28 август кунин соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмонов Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги мажлислар зали.



Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

«А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ СОБИҚ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тугатиш бошқарувчиси «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ собиқ ходимлари 2005 йил 25 декабрда бўлган мuddат учун иш ҳақи пулларини олиб кетишлари мумкинлигини маълум қилади.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ

Тўлиқ технологик циклли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:

Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)

Техник тавсифи: қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000; қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, код ТН ВЭД 740911000.

Жез (латунь) лента, тунука ва металл тилимлар

Техник тавсифи: қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 2208-91, код ТН ВЭД 740921000; қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, код ТН ВЭД 740921000.

0,5 мм. қалинликдаги мис тунукадан тайёрланган металлчерепица

Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Маъмур ускуналарига буюртмачининг барча истаklarини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификатлаш тизими бўйича сертификатланган.

Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда сўказиб беришга қафолат берамиз!

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.
Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94, (+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг замонавий университет Манбъалар халқини директор, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватова Уғли
Маъжид УВАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларида чуқур ҳамдардлик билдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг маъсул ходими Маъжид Убайдуллаевич УВАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларида чуқур ҳамдардлик билдирилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Осиёсайёҳат» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси
Маҳкам Рашидович БЕКМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор қилади.

Кўнгил жиёбони



Инсоннинг инсон бўлиб яратилганининг ўзи бир ажиб саодатдир. Унга кўрар кўз, эшитар кулоқ, айтур тил ва сезувчи димоғ ато этилган. Кишининг таомни оғизга элтувчи қўли бор. Қайқа хоҳласа элтувчи оёғи бор. Яна энг буюқ афзалияти — унинг ақли ва тафаккури.

«БАРЧАДИН ЯХШИРОҚ ҲАЁТ ГУЛИ»

Берди кўрар кўзу эшитур кулоқ Айтур тил, атриги ангалар димоғ. Андоқ илиқ (қўл) доғиқи, тунгей таом, Андоқ аёқ доғиқи, қилгай хиром. Бу бари шўглому ато бир тараф Жавҳари ақ, ўзди яна бир тараф...

Алишер Навоийнинг «Хайратул аброр» асари ўн сақкизичи мақолатидан келтирилган бу мисралар шoirнинг инсонни қанчалар кадрламоқ лозимлигини қатъий таъкидлаганини кўрсатиб туради.

Инсон ҳаётга ҳушёрлик билан қарамоғи, унинг нёматларидан оқилона фойдалана билмоғи керак. У «Кўнгил уйини мазмун тўтсин», «Хар нафаским, ҳаёт гулидандин насиндур» қад-
М у т о л а а рини билсин, «Ба ҳар дамдин шамимдухид» шукрини ким, умр гулидур» (ёқимли қилсин.

Инсонга ана шундай ғамқўрлик билан тўлиб-тошган фойдали йўл-йўриқлар, уни маънавий камолот сари етакловчи панду ўғитлар Навоий ижодида кўлаб учрайди:
Хушдур барча қошот гули Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Умр инсонга бир мартаба бериллади. Яна унинг даври жуда қисқа. Шунинг учун киши бу умрни ҳаммиса кадрламоғи, уни муносиб кечирмоғи лозим.

Жондин сени кўп севарман, эй умри азиз Сондин сени кўп севарман, эй умри азиз. Хар пенши, севмак андин ортиқ бўлмас Андин сени кўп севарман, эй умри азиз.

Ана шу тўрт мисрада бир дунё мазмун бор. Унда инсон учун энг азиз, юксак кадрли, гоат сезимли бўлиши умрининг таърифи берилган.

Инсон умрини эъзозламоқ, уни ҳаммиса асрамоғи, эҳтиёт қилмоққа интилимгои кераклиги кўчур бадиият билан ифода этилган.

Умрининг биринчи сифати унинг ҳар бир одам учун ниҳоятда азиз экандир. Кишининг тиричилиги, албатта, жон билан боғлиқ. Аммо шoir бу ерда азиз умрни жондан ҳам ортиқроқ даражада сезимли экани тўғрисида сўзламоқда. Чунки мазмундор, юксак хиймат, олий мақсадлар, соф маслаҳларга бағишланган умр ўчмасдир.

«Сон» деганда азда, миқдор тушунилади. Аммо «сон» яна ўқшаш, усул, равиш маъносини ҳам билдиради. Шейрда сўз барча маъноларда ишлатилмоғи мумкин. Бу мисрада азиз умрни беҳисоб, бемиқдор даражада севмоқ, унга ўқшаш, унинг равиши тарзида бўлган ҳамма нарсадан ҳам шу азиз умрни кўпроқ севмак ҳақида сўз бормоқда.

Бундай тушулча кейинги икки мисрада ўзининг янада аниқроқ шарҳини толган. Шoirнинг лирик қаҳрамони дейдики, дунёда нимаики нарсани ҳамма нарсадан ортиқроқ севмоқ мумкин бўлса, ўшандан ҳам кўпроқ севганим ана шу азиз умридир.


Хуллас, инсон умри гоат азиз. Унинг қадрини баланд тутмоқ, уни асрамоқ ва севмоқ инсон учун зарурий шарт. Бу эса умрни беҳудага сарф этмаслик, уни олий мақсад ва юксак интилишларга бағишламоқ кераклигини аълатлади.

Азиз ҚАЙМОВ, академик.

Таассурот

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида намоиш этилган «Севаман дедимми?..» пьесаси айна кўнглингизга истаган гапларни айтиши, қалбингизга гўзал хисларни олиб кириши билан аҳамиятлидир. Драма тург Санжарали Имомов қаламига мансуб мазкур асарни режиссёр Полина Шумилова сахналаштирган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гаваҳ ва Жамшид Зокировлар талқинидаги образлар етук ижро маҳорати орқали томошабинни таъсирлантиради. Айниқса, Гаваҳ Зокированинг қалбан бегубор, ўз касбини, сахна аталмиш муқаддас даргоҳни жон-дилидан севувчи қаҳрамонининг бошидан ўтказган кечинмалари ҳеч қимни берақ қолдирмайди. Қаҳрамоннинг касб-кори, таъбир жоиз бўлса, ҳаёти мазмуни, бу — театр. Кўп йиллар давомида ҳеч қандай ролга тақлим этилмаган актриса умрининг иқоддан айро ўтаётганидан изтиробда. Ахир, у илоҳий истеъдод эгаси, иқод қилсин, гўзаллик асираси-да! Аммо ҳаёт ҳаммани бирдек

Орамизда шундай инсонлар борки, уларга фақатгина «фидойи» деган ном ярашади. Улар ўз танлаган йўлларида собит, айниқса, касб борасида чинақамига жонни фидо қилгучи кишилардир.



хандон отишларидан билса бўлади. Табиийки, чин диддан

СЕВАМАН ДЕДИММИ?..»

сийламагани қанчалар ҳақиқат бўлса, бугун унинг театрсиз яшаётгани ҳам шу қадар рост. Қаҳрамон қалбини оғриётган дард ҳам мана шу... Уни юракдан ҳис этган Гаваҳ Зокирова самимий роль ижро эта олган. Буни унинг овозидаги аламли титроқдан, ёноқларини ювган кўз ёшларидан ва қаҳрамони қувончидан сармаст бўлиб,

талқин этилган бу образ томошабинни ҳам йилғатишга, қулдиришга ва энг муҳими, уйга толдиришга қодир. Спектаклда инсоний муҳаббатнинг икки хил кўриниши маҳорат ила очиб берилган. Қаҳрамонларнинг мана бу сўхбатига қулқул тугинг-а: — Сенаг севгимни инъом этсаму, бошқалардек бекаму кўст яшашинг

учун ҳеч нима қилолмасам... Бундай севгининг қимга кераги бор?

— Ахир, ўшандай қуллар бошимиздан ўтган-ку! Эсингиздами, ҳомилалдор пайтим но-нуқтада чойга икки чакмоқ қанд солиш мейвэр эди биз учун. Сиз эса мени чалғитиб, ўз қандингизни гилламга солиб кўрдингиз...

— Ҳа, кейин сен ўз гилламанни меникига алмаштириб кўрдингиз...

Йиллар давомида бир-бирининг мейру муҳаббатидан куч

асар замирида бу ҳикмат ўзининг ёрқин ифодасини топа олган.

Шуниси ҳам борки, спектаклда, асосан, икки киши роль ижро этган. Персонажлар сонининг қамлиги, воқеалар ривожининг аста-секинлик билан авж нўқтага етиб бориши томошабинни зериктирмайди. Бунга сабаб, асар қаҳрамонлари тилидан кўчган ҳар бир сўзнинг ўзига хос маъно касб этгани ва, энг муҳими, пьесада ҳаётий ибораларнинг ишлатилганлиги, актёрлар кўзидидаги самимият ва ўз қаҳрамони тақдирига нисбатан ишонч каби муҳим хусусиятлар бўлса керак, деган хулосага келдик. Яна билмадик, балки спектаклни ўзингиз бир бора кўриб, баҳо берганингиз маъқулдир?

Қамола МИРЗААХМЕДОВА, журналист.

Ҳикмат


Арасту Искандар Мақдунийга деди:
— Бирварақайига икки одам олдида сирингни очма. Негаки, сиринг эларо ёйилиб кетувдай бўлса, бу ишни эларингиз қайси бири қилганлигини билмай бошинг қотайди. Шундан кейин, агар иккаласини ҳам жазолайдиган бўлсанг — айбис бечорани бекора, ноҳақ ранжитсан бўласан. Агар иккаласини ҳам кечириб юборсанг — яна айбис одамга нисбатан ноҳақлик қилган бўласан, зеро, гуноҳқор жазодан қутулиб қолаверайди.

М. АХМЕДОВ тайёрлади.

Инсон манзаралари

КИМГА БАХТ, КИМГА...

Болақай ишдан қайтаётган онасини кўргач, атак-чечак қадам босиб, йўлни кесиб ўта бошлади. Кўшни эвфратта кечикётган эди. Зардаси қайнаб, пайдар-пай машинасини па-лаблатди. Орқа ўриндиқда утирган нозаниннинг ҳам оромини бузилади, қошлари чимирлиди. Болақай эса кўрқудан юраги ёрилай деб саросимада онасининг бағрига ўзини отди. Йилғаб юборди.
— Бемава қувонинг урути кўп бўлади-да, бунинг эвволига қаранг, — деди нозанин боласини юз-қуздан ўпиб, овутираётган йўл четидидаги жувон томонга ишора қилиб.
— Иқита боласини арванг боқайти-ку, яна учинчисига ҳам...
— Қўявер, — деди эр. — Дунёга нега келганини ҳам билмайди булар. Умр эса бир марта бериллади.
Яшаб қолиш керак, жоним...
Бир марта берилган умр эса жуда тез ўтиб боради. Ҳадемай «бемаза қувонинг уруғлари» ҳам улғайишиб, кўпнинг қорига ярайдиган бинийдек инсонларга айланишди. Ота-онасининг ёнига қаришди. Энди бу ҳондонда кетма-кет тўйлар бошланди...
Яшаб қолиш ишқиди фарзандли бўлиш бахтидан бебахра, ёлғиз дарахдек сўпайиб қолган ҳалиги қўшилар эса ҳамон ўша-ўша... Улар энди кўндан қолишган, қўлар хиралашган, қаровчиси йўқ. Аммо... ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, ҳамон «нодон» қўшиларни устидан қулишиб, ўзларини овутиришарди, холос...
Муқимжон НУРМАТОВ, Фарғона.



Халал берманг, агар қизлар ҳайл сурсалар...

Жамшид НОРҚОБИЛОВ сурат-наҳаси.

Бир лаҳзадан кечсанг мени деб...

Боламай, мизг раҳмат одобинг учун, Илтифотинг учун минг-миг ташаккур. Азалинг абадае мерос бўлаёттир Камёб бир холислик, тансиқ тиниқ нур.

Шунга муносибсан. Бу эзгу қарзни Жон билан узаман бир кун ҳойнаҳой. Менга автобусда ўрингини беришга, Сенаг ер юзидан бўшатаман жой.

Риёзат чек, майли, озгина, Тирноқча бўл мен учун ҳалак. Эвазица тўлайман осмон, Бадалига бераман фалак.

Бир лаҳзадан кечсанг мени деб, Бахтдан қўзим ёшлайжакман. Мангуликни оёқ остингга Келтириблар ташлайжакман.

Сен ҳақда қўшиқлар қуйласайдим шўх, Қани эди, сени гул деб хушласам. Бироқ сен гул эмас, сен лаҳча бир чўғ, Қўлларим қуяди ушласам.

Сен ҳақингда сира бўлмас гап очиб, Қуяди қуйлаган овозлар. Чўғни ўйнар, оғзидан сочиб Фақатгина масхарабозлар.

Майлига, даъват қил, майлига, унда, Борай десам, йўқдир иложим. Бўрон меймон бўлган бир вақтлар унда, У ерга бир вақтлар қўнгандир лочин.

Кетсак орзуларни қилмасман қанда, На лочин ва на-да бўронман, бирон. Бораман бўрондан қаттиқ эсгандя, Учгандя лочиндан баландроқ.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.

дафтаридан Шейрият

САЛОМАТЛИК ҒЕМБИСИ

Сабзининг шифобахш хусусиятларини биласизми? У дармондориларга бойлиги боис қадимдан халқ табибатида қўлланилади. «Саломатлик ғембиси» дея аталиши ҳам шундан.

Сабзи киши организмда кечадиган оксидланш-қайтарилиш жараёнларида қатнашади, жароҳатнинг тез эт олишига хизмат қилади. Карбонсувлар алмашинуви-ни «тергаб» туради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, кўз қувватини оширади. Айниқса, эмизикли аёлларда сутнинг кўпайишига ёрдам беради. Шунингдек, сабзи камқонликка даво бўлиб, организмнинг иммунитетини оширади, иштахани очади.

Баъзи кишилар сабзининг қайси бирини истеъмол қилган маъқул, дейишади. Бунинг фарқи йўқ. Қизил ва сарик сабзилар таркибан бир хил. Рангига келадиган бўлсак, сабзининг қизил бўлиши ундаги каротин моддасининг кўп эканлигидан нишона бўлмай, балки унда антоциан — ранг берувчи модда мавжудлигиндандир.

Ўлкамизда етиштирилувчи «мушак», «мирзойи», «шатане» навли сабзилар дармондориларга бойлиги, шифобахшлиги билан ажралаб туради.

Маннон НАБИЕВ, Санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими.

Бу ўткинчи дунёда бир фарибгар яшарди. У бозорга бориб турли ашёлар харид қилар, аммо бу ашёларни уйга элтиб берган кишига ваз-қарсон кўрсатиб, пул тўламасди.

ҲАММОЛ БИЛАН ФИРИБГАР

Бир кунги у бир сандиқ ишича идиш сотиб олди. Энди қимчи чеге туширсам экан, деб аланглаб турган эди, белига арқон боғлаған бир мардикор келиб қолди. Фарибгар мардикор билан савдолашди:
— Менга қара, биродар, — деди у, — мана бу юкчини уйга элтиб бер. Ҳоҳласанг хизмат ҳақида пул берман, хоҳласанг умта қимматли маслаҳат айтман, турмушингда жуда асқотлади. Нима дединг?
— Ҳаммол уйлаиб қолди: «Ҳар кунки бировларнинг юкчини орқалаб оз-моз пул ишлаб турибман. Қани, бу жанобнинг маслаҳатини ҳам эшитмай-ки, зора фойдаси тегиб қолса». У сандиқни елкаса олди. Икковлон йўлга тушибар. Анча

йўл юриб, ҳаммол нафасини ростлади.
— Хўжайин, сандиқинг оғир экан, — деди у, — биринчи маслаҳатингни айт, зора ундан қўват олсам.
Фарибгар к у -
— Алар биров сенга озодликдан кўра қул бўлган яхши деса, ишонма.
Ҳаммол зийрак йигит эди. Юк эгаси ҳамма билдиган затни айтиб, уни лақилатаётганини пайқайди. Лексин сир бой бермади. Бир оз юриб сўради:
— Энди иккинчи маслаҳатингни айт, хўжайин.
— Иккинчи маслаҳатим шуки, — деди фарибгар ичи-

да хурсанд бўлиб, — қимчи сенаг камбағаллик бойликдан афзал деса, ҳеч қачон ишонма.
Ҳаммол йигит индамай кетаверди. Уйга етидилар.
— Мана, уйингга ҳам

Биласизми? Одам бошида 126 мингга яқин соч толаси мавжуд. Ҳар кунги 45 та, айрим кишиларда 60 тагача соч толаси тўкилади. Кишининг бутун умри даврида эса 1,5 миллион яқин соч толаси тўкилади ва шунчаги ўсиб чиқади.

ЛТИФАЛАР — Яхши қиз, ўз суратингизни менга соғға қилинг! Қиз ҳа, дейишни ҳам, йўқ дейишни ҳам билмай, икки қиланиб: — Вой, йўғ-о. Нима қиласиз? — Сервант устига қўяман, болаларим шохолод олишганда бир кўрқинсинчи...

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Юртимга Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизанқалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Мятовотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Ўздулоева.
Навбатчи — Ф. Салова.
Муассасхўх — М. Ёқубова.
«Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ғза якуни — 21.40 Топширилди — 22.45